

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

● БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА ●



— ЭНДИ УЗИНГИЗДАН КҮРИНГ!



Н. МУСОМОВ сурати

МДХда мутлақо янгилик

«Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ташкил этган 10 марта ўйналадиган «Ойнинг ўн беши...» лотереяси, кутилганидек, халқимиз ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Бунга қисқа вақт ичида — бугунгача лотерея чиптасининг ярмидан кўпи сотилиб бўлганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Айни пайтда нафақат мамлакатимизда, балки МДХ давлатларида мутлақо янгилик бўлган ушбу лотерея чиптасини топа-харид эта олмай юрган ҳамюртларимиз ҳам кўп. Бу ҳақда таҳририятимизга тинимсиз қўнғироқлар бўлиб турибди.

Эслатиб ўтамиз: 10 марта ўйналадиган «Ойнинг ўн беши...» лотереяси чиптаси жамғарма банкининг барча бўлимларида сотилмоқда. Агар сиз омадимни (бир эмас, ўн марта!) синаб кўрай, сизу бизнинг кўмагимизга муҳтож хаста дилларга салгина бўлса-да наф кўрсатай десангиз ушбу ўйиндан четда қолманг.

Лотерея чипталари сотилиб бўлиши билан ўйин бошланади. Хайрия лотереяси чиптасини сотиб олишга шошиллинг. Сиз бир зумда миллионерга айланишингиз мумкин!

УШБУ СОНДА:

БИЗ УЧУН КЕЧИРИНГ, КУЁВ

3-БЕТ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ:

РАМАЗОН ОЙИ

4-БЕТ

УМАРАЛИ НОРМАТОВ:

ИНСОННИ ТУШУНИШ
САНЪАТИ

6-БЕТ

СОЧДА ФАРИШТА
• БУЛАДИ.

Халқимиз; кимки бу дунёда узун сочини калта қилиб қирқса у дунёда ўша сочлар аждар илон бўлиб бўйнига чирмашади дейди. Узун сочи майда ўрилган қизларни кўрсам ҳавас қиламан. Айниқса, шу сочларга ярашиқ атлас кўйлак ва дўппи кийиб юрган қизлар нақадар гўзал.

Бош бекат. Одам тирбанд. Кимдир автобус келмаётганидан асабийлашар, кимдир шериги билан асқия қилар, хуллас, ҳар ким ўз дарду ғами билан овора. Шу пайт даврага атлас либосда, сунбула сочлари этак ўнган, зарҳал дўппили бир қиз келиб қўшилди. Кутилмаганда суҳбат мавзуси ўзгарди. Келишиб олишгандек, ўзаро шивир-шивир бошлашди. Гарчанд ўша қиз бу ердakilарнинг бирортасига таниш бўлмасан-да, ҳамма ўша қизни нишонга олиб, «ғийбат ҳашарини» авж олдиради.

Урта ёшли, башанг кийинган бир аёл эса қизга эшиттириб «дунёни отарчи босиб кетди-да, уялмай-нетмай

отарга қиядиган зар дўппини кўчага кийиб, соч улаб қизқанини қаранг беҳаёнинг!», деди.

Бу гаплардан киши титраб кетади. Ҳалиги қиз ҳам уяганидан ер ёрилмади, ерга кирмади.

Мен эса бу воқеанинг гувоҳи бўлиб миллат ва қадрият ҳақда ўйлаб қолдим.

Момоларимиз кийган миллий либосни бугунги кунда «отарчи либос» деб атасак. Кўчаларда ўзбек қизларини хорижликлар модасида кийганини кўриб ҳавас қиласак.

Қани қадрият?..

Наҳотки, бугун ўз қадрини, ўзбек қадрини тиклаётган қизлар «беҳаё» аталса?

Момоларимиз: «сочни кесманг, сочда фаришта бўлади», — деганлар. Кесилган сочдан фаришта қочади, келинг, қизлар, бошимиздаги фаришталар бизни тарк этмасин.

Шамсия ТУРУМ қизи,
Олтинсой тумани

ЕТТИ КУН

ҚОТИЛЛАР

Косон шаҳрида жиноят содир бўлди. Шаҳар хонадонларидан бирига ўрилик мақсадида «ташриф буюрган» Шавкат, Науфал ва Колянинг кўзи уйда ёлғиз қолган қизалоқ Наташага тушди. Ва жиноят изини ёпиш мақсадида қизчани ўлдириб, ўйни тунаб кетишди. Бироқ қинғир-қабих иш фож бўлди. Эндигина 17 ёшга тўлиб-тўлмаган қотиллар ўн йил қаттиқ тартибдаги қамоқ жазосига ҳукм этилди, — деб хабар беради Вилоят Ички Ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозир Уроз Ҳайдаров.

«ШАҲРИСАБЗ» МУКОФОТИ

Кутилмаган янгилик! Шаҳрисабз ҳокими, Ўзбекистон халқ нобии Азимжон Зайниддинов буйруғи билан Қашқадарё виллоятлик ижодкорлар учун «Шаҳрисабз» мукофоти таъсис этилди. Унвон ижод, фан, маориф соҳасида маълум камолотга эришган, қадим Кешга у ёки бу маънода «хеш» бўла олган кишиларга берилади.

ЧИПТАСИЗ ЧИҚАНГИЗ —
ЎЗИНГИЗГА ҚИЙИН

Поездларда чипта нархи ошганидан хабарингиз бор. Энди хизматчилик, биласиз. Баъзан чипта қолмай, қўп-қуруқ поездга чиқишга тўғри келиб қолади. Худди шу «дардга дучор бўлган» йўловчиларга «Самарқанд-Тошкент» поездига чиқишни маслаҳат бермаймиз. Сабаби, бу поезд вагонларидаги «ишбилармон» йўловшловчи (проводник)лар гарчанд учинчи қаватдан жой берса ҳам уч баробар ҳақ олади. Бунга муҳбиримиз гувоҳ бўлди.

ЧИРОҚЧИЛИК ЧАВАНДОЗНИНГ ЖАҲДИ

Чироқчида чавандозлар бисёр. Бироқ туманининг бугунги ёшлари бироз отлардан «хурқмоқда». Бундан аччиқланган туманининг кекса чавандозларидан бири Умир бобо отга иштиёкманд етти ёшли неварасига 1 милён 700 минг сўмга гнжингланган той сотиб олиб берди. Бобонинг айтишича, невра ўн ёшида катта кўпқариларда бемаалол қатнашади. Нима ҳам деймиз! Ахир, «қари билгани...»

ПОЕЗДА ҚИЧҚИРГАН
ХҲРОЗ

«Бухоро — Тошкент» поездига каллакка қамалган хўрози билан чиққан йўловчи пойтахтгача тишини тишига қўйиб келди. Сабаби: хўроз Тошкентга — бир кеча узлуксиз [қисқа-қисқа танаффус билан] қичқирди. Тонггача вагонда саноқли одам қолди, холос. Йўловчи эса поезддан тушгачина «чампа» — хўрознинг бошини узиб ташлади.



— ҲАДЕМАЙ БАҲОР ҲАМ КЕЛАДИ

Елғош ХУЖАМБЕРДИЕВ сурати

ОНАМИ Ё АЁЛМИ?

Кейинги вақтларда тўртта-мизнинг бошимиз қовушган жойда Куръони карим ёки Ҳадиси шарифдан мисол келтиришга ўтиб олдик. Бу бир жиҳатдан яхши. Аммо иккинчи жиҳатдан... Шу ҳақда мулоҳазамизни айтмоқчимиз. Куръон ва Ҳадисдаги каломларнинг туб маънисига етмайдиган, бу илмлардан бе-хабар кишиларнинг бировлардан эшитганлари асосида узук-юлуқ мисол келтиришлари илоҳий сўзларга, муқаддас китобларимизга зиён келтиради. Яқинда бир қорхонадаги йиғинда нотиклардан биттаси: «Ҳадисда «жаннат хотинлар оёғи остидадир», дейилган», деди. Пастда ўтирган бир шофёрга бу гап бошқачароқ таъсир қилиб кетди шекилли, ўрнидан туриб қўлини паҳса қилиб луқма ташлади:

— Бу қанақа гап? Жаннат-

дек покиза нарсани хотин кишининг оёғи остига ташлаб бўладими? Хотин кишини!

— Ҳе-й, ўтирин! Бу ерда хотинларни ҳурмат қилин-лар, деяпти, — деди минбардаги одам.

Телевизорда чиққан маҳаллий шоир: «Жаннат аёллар оёғи остидадир, деганлар пайғамбаримиз» деди-да, гўзал аёлларимизга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Ҳўш, ўша нотикнинг ҳам, маҳаллий шоирнинг ҳам айтганлари тўғрими? Аслида шундайми? Маълумки, Ҳадиси шарифда «Жаннат оналар оёғи остидадир» дейилган. Она билан аёлнинг фарқи бор. Ҳамма аёл ҳам она деган мўтабар номга эга бўлавермайди. Оёғининг гардини кўзга суртиб, шараф тожи мисол бошга кўтариб

юриладиган буюк зотлар ҳақида битилган Ҳадисда. Жумлани шарҳлаш учун катта-катта рисоалар ёзилган, машҳур шоирларимиз ижодларига илҳом берган, не-не жаҳонгирларнинг бошини ҳам қилиб, оналар ҳузурда юм-юм йиғлатган.

Урни келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, аёл билан хотуннинг ўртасида ҳам фарқ бор. Аёл хотун бўлиши учун бир қатор шартларни бажариши, анчагина босқичларни босиб ўтиши даркор. Бу алоҳида мавзу.

Тунов кунини ойнаи жаҳонда бир кимса айрим минтақалардаги фуқаролар уруши ҳақида сўзлай туриб: «Ватанин севмоқ иймондандир», деб Ҳадисдан мисол қел-тирди ва бу жумлани ниҳоят-да тор маънода англашини



билдириб қўйди. Биз учун Ва-тан ўн саккиз минг олми яратган Аллоҳ томонидан инсонларга инъом қилиб берил-ган қурран заминдир. Агар биз ўзимиз яшаб турган мана шу заминни севсак, ардоқ-ласак, парвардигор сайқал берган гўзал табииоти эҳ-тиётлаб парваришласак, бу

чинакам иймондан бўлади. Хуллас, истагим шуки, илоҳий-қудсий каломларга мурожаат қилганимизда чуқурроқ ўйлалик, билиб-билмай унинг қадрини ту-ширмайлик. Ақлимиз етмас экан, иқтибос келтирмай тўғри гапираверайлик.

А. АБДУВАЛИ,
Наманган

Ешим 25 да. Нолмайман гарчи отасиз ўсган бўлсамда, азиз онажоним иложи борича отамни ўрнини билантирмалик учун елиб-югуршдан толмади. Эл катори кийинтирди, едирди. Елғиз боши билан опаларимни турмушга узатди. Хуллас уч опам турмушга чиққач ҳовлида ёлғиз онам билан мен қолдим. Шундай кунларнинг бирида онамнинг оғирини енгил қилдиган бир келин кераклигини пайқадим. Уйланшига қарор қилдим. Бизга келин қидириш ҳам кўпга чўзилмади. Келин топилди. У ҳам бўлса маҳалламиздаги бир аёлини жияни эди. Тўйдан олдин бир неча бор учрашдик. Оғир-вазмин, камтарингина Маҳлиё (исмини шундай атай қолай) менга ёқиб қолди. Кўп ўтмай тўйимиз бўлди.

Мен бахтли эдим ўшанда. Менинг азиз умр йўлдошим бўлмиш Маҳлиёни бахтли қилишга, вафодор бўлишга астойдил бел боғладим. Меҳрибон волидамни эса етти қават кўрпача устида ўтирадиган дамлари келган эди. Мана шундай бахтиёр кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Афсус бу узокқа чўзилмади... Тўйимиздан икки ой ўтган, ғалати ҳодисалар рўй бера бошлади...

га нималар олса бўларди. Маҳлиёдан пулни сандиқдан олиб беришни сўрадим. Маҳлиё таҳмондаги ўрин-кўрпаларни олиб сандиқни очса, пул жойида йўқ. Пулни ким олганини сўраганимда: «Ойим пулни ўзлари билан олиб кетдилар» деган жавобни олдим.

Орадан бир ҳафта ўтган онам Иссиқкўлдан қайтиб келди. Ҳола-аҳвол сўрашишдан сўнг, бировдан қарз олиб ишлатиб юборганим учун онамдан ўша пулни сўрадим. Лекин онам ғалати аҳволга тушиб мулзам бўлиб қолди. Демак, пулни онам олмаган, демак Маҳлиё... Ушанда мени аҳволимни кўрсангиз эди. Уйга кирман, эшикка чиқман, ҳеч қаерга сизмайман. Онам боши эгик не дейишини ҳам билмасди. Маҳлиё, Маҳлиёнинг кўзлари бежо-да, неадир ўзини бепарволикка олари. Бу хонадонда учаламиздан бошқа, ҳеч ким у пулни билмасди ҳам. Уйга кириб Маҳлиёдан ётиги билан пулни нега, ким олганини секин сўраштирадим. У педагогик техникумда ўқирди. Биринчи баҳонаси: эмишчи курсидаги икки қиз қайқадир тижорат қилиш учун кетишадиган экан, ҳамма қизлар тўрт мингдан илғиб беришиб-

там билан қайнонамнинг аҳволини кўрсангиз эди. Ишонинг мени бундан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Билман улар ҳам бу ниятда қиз ўстиришмаган, турмушга узатишмаган, аммо мен ҳам бу мақсадда уйланмаган эдим. Қайнотам бор гапдан бошини ердан кўтаролмас, қайнонам эса фақат йилларди. Қайнсинилларим эса бир четда менга мўлтиллаб қараб туришарди. Уларни кўзларида «Почча бизларни бахти-қаро қилманг» деган маъно бор эди. Мен ўша кун икки ўт орасида қолиб кетгандим. Қайнсинилларимга дилдан ачинардим. Уларни бўйи етиб қолган. Ахир опасини аҳволи бу бўлса келадиган совчилар ҳам «опасидан ўтиб сингилси қаерга ҳам борарди» деб айниб кетиши ҳеч гап эмасди. Маҳлиё эса бу ерда ҳам парвои фалак, ўша ўша мум тиллаган кўйи ўтирарди. Бир пайт қайнонамни юраги ёмон бўлиб қолди. Ҳамма саросимага тушиб югуриб қолишди. Гўёки қайнонамни бундай бўлишига мен ўзини айбдор деб сеза бошладим. Маҳлиёни ўзим билан олиб кетишга қарор қилдим. Бу хушxabарни эшитиб қайнонам анча ўзига келди. Қайнотам Маҳлиёни ало-

Уқишга кетаялман деб ҳар эргалаб уйдан чиқиб кетган. Уқиялман деб алдаган. Унга ишончим бағамом сўйиб бўлди. Қисқаси ўша кун Маҳлиёни юзидан «ниқоби» олинди. Курсидаги икки қизни тижоратга боргани, ресторанда курсдошлари билан ўтирани ёлғон бўлиб чиқди. Маҳлиёни ўша кун уйга олиб келмадим. Энди ундан бутунлай йўқлигим қолганди. Ўша кун кечки пайт онам ва опам қайнотамникига орани очиб қилгани боришди. Шу ерда савол туғилиши мумкин. «Нега ўзинг бормадинг?»—деб. Сабаби мена аввалда ҳолат тақдорланса тоби тоқатим йўқлигини билардим. Табиатан кўнжичанман...

Бу воқеадан чамаси бир ойлар ўтган тунги соат 11⁰⁰ ларда кўча эшик тақиллаб қолди. Эшикни очдим. Эшик олдида қайнотам билан Маҳлиё турарди. Уйга тақилф қилдим. Қайнотам ўша кунги қизларини қилган ишлари учун кечирим сўраб, Маҳлиёни олиб қолишимизни илтимос қилди. Афсус гўш қолдирган кўчганди. Маҳлиё эса уйга кириб кишимларини сумкасига сала бошлади. Мана ниҳоят солиб ҳам бўлди. Шу пайт диванга ётиб олиб «турмайман» деб бақира бошлади. Узоқ ҳаракатлардан сўнг қайнотам ўзи билан олиб кетди. Бу вақтда тунги соат иккилар атрофида эди. Бу воқеадан бир ҳафта ўтган кун нехошимизни бекор қилиш учун судга ариза бердим. Шу йилнинг июн ойида судимиз бўлди. Бир кун қайнотам ўз қариндош-уруғларини илғиб бизникига келишди. Бундан мақсад бизни яраштириш эди. Бўлмади. Қизларини молмулкани олишар экан, неадир бизни ҳақорат қилишарди. Охирги ҳақорат онамга қаратилгани учун чидаб туrolмадим. Улар томон вожеҳат билан кела бошлади. Лекин орқамдан келиб тушган зарбдан гандираклар йиқилдим. Тан жароҳати олиб шифохонага тушиб қолдим. Ўша-ўша бошим қаттиқ оғрийдиган бўлиб қолдим.

Бу дардимни айтаялман, йўлаб қолдим: Ахир ҳозир ҳамма ўз дарди билан бўлса, ким ҳам дардимга шерик бўларди? Лекин бу сўзларни айтишимдан мақсадим, кимдир юзини қора қилиш эмас, аксинча сабоқ бўлсин дея айтаялман. Мен шундай номақбул фарзандни дунёга келтирган ўстирган қайнота-қайнонамга барибир ачинаман. Улардан гарчи гуноҳсиз бўлсам ҳам кечирим сўрайман. Билман уларни менадан умидлари бошқа эди. Лекин менинг ҳам... Муштар онамни бахтиёр этман деб, қандай қора кунларни бошига солиб қўйдим. Сочларига эрта оқ туширдим, қаддини бўйиб қўйдим. Яна бир нарса юрагимга қаттиқ боғди. Қайнонам мени хотинбозликда айблади. Иккинчи қўйган айбига умуман чидаб бўлмасди. Эмишки, мен Маҳлиёга: «Сени ўрнингга катта синингизга ўйлансан бўлар экан» дебман. Энди ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги фақат Яратган эгамга аён.

Эҳ, қайнсинилларим! Сизни номингизни сотиб ўзини оқламоқчи бўлган опангиз тутган йўлни зинҳор сиз тутманг, опангиз нафақат ўзини, мени бахтсиз этган экан, илоҳим сизлар қиллариндир бахтли қилинг. Ҳар бир илгит-қиз ўзига қайлик таллашда аввало шошилмасликлари, унинг ёўзаллиги, кийим-кечакларига учмаслиги, қалбини, табиатини ўрганмоғи лозим экан.

Негадир шу воқеалардан сўнг ҳамма нарсадан кўнглим совуб кетди. Назаримда: «Ана хотин қўйган келаяпти» деб қўлини ҳамма бизиз қилаётгандек туюлаверди. Лекин инсон ўздан ўтганни ўзи биллади. Танишларим «кўпича «оғир, вазмин қизга уйлангин» дея маслаҳат берардилар. Кўрдим ўша оғир қизни. Одамни ичин билмиш қийин.

БИЗ УЧУН КЕЧИРИНГ, КУЁВ



КУЗНИНГ ОХИРИ ШУНДАЙ БЎЛГАНДИ

Ҳ. САИДОВ сурати

Бир кун онам Иссиқкўлга қариндошларимизникига борадиган бўлиб қолдилар. Мен ўша кун онажонимни кузатишга автостанцияга чиқа олмадим. Сабаби шидан руҳсат ололмадим. Шу боис эрта тонг хайрлашиб ишга кетгандим. Орадан икки кун ўтган, менга пул керак бўлиб қолди. Сандиқнинг бир четига яхши ният билан қўйган тўрт минг сўммиз-эсимга тўшди. Ўша вақтларда тўрт минг сўм-

ди. Иккинчи баҳонаси: курсидаги қизлар билан ресторанга тушишган, Маҳлиё эрга текканини «ювган». Учинчи баҳонаси: тушлик пайти қизлар билан чиқиб тушлик қилишибди. Ўша пайт, ўша кун жуда ёмон руҳан сиқилдим. Маҳлиёни кўрган сарим жаҳлим чиқаверди. Ўзимни зўрга босдим. Уни етаклаб қизлик уйига қайнотамникига олиб бордим. Салом алқдан сўнг боғини гапириб бердим. Ушанда қайно-

ҳида хонага олиб кириб насихат қилди, уришди. Кетаётганимизда чўнтагидан тўрт минг сўм чиқариб қўлимга қистира туриб деди: «Маҳлиёни биз учун кечиринг куёв. У ёшлик қилиб қўйибди» Назаримда қайнотамни қадди яна ҳам чўккандек туюлди. Яхши бўлиб қолар, шунини ўзи унга сабоқ бўлар деган мақсадда Маҳлиёни қайтиб уйга олиб келдим. Қайнотамникида бўлган воқеани онамга ётиги билан тушултирдим. Онам ҳам менинг қарорини қувватладилар.

Орадан уч ой ўтган... Бир кун соғлигимни мазаси бўлмаётган шидан уйга эрта қайтдим. Уйда онам катта опам билан гаплашиб ўтиришарди. Улар билан сўрашиб, ўз уйимга кириб ётдим. Уйимда нимадир йўқдек туюлаверди. Бунини уйга кирганимдаёқ сезган эдим. Билсам стол устида турадиган магнитофон йўқ эди. Онамдан сўраштираман, эрта тонг уйқудан туриб ҳовлига чиқсалар кўча эшик очқилигини, Маҳлиё эса хатто онам билан ҳам хайрлашмай ўқишга кетганини айтдилар. Магнитофон эмас, кўнглим Маҳлиёдан хавотирланиб у ўқийдиган техникумга бордим. Унинг ўзига бир кор-хол бўлмаганмикин дея тўғри даре хонасига уриб кириб бордим. Танаффус пайти экан. Маҳлиёни эса магнитофонни савдолашаётган пайтда учратдим. Курсдошларининг олдида ер бўлиб кетдим...

Ўша кун техникум директори ва курсдош дугоналари билан суҳбатладим. Аниқланишича Маҳлиёни техникумда ҳам «обрўси» баланд экан. У қўли эгирлик борасида бу ерда ҳам шўхрат қозongan экан. 1989 йилнинг 1 сентябр кун Маҳлиё курсдошлари қатори техникумнинг биринчи курсига қабул қилинади. Ва худди шу куннинг ўзида курсидаги қизлар жисмоний тарбияга чиқиб кетишганидан фойдаланиб, уларнинг сумкасидаги бор пулларини ўғирлайди. Лекин тезда қингир шининг қийғи чиқади. Курсидаги бир-иккита шаддод қизлар ҳар бир қизни тингув қилишади. Оқибатда пул Маҳлиёни ўнг оёғидаги туфлиси ичидан чиқади. Ўша-ўша Маҳлиёни курсдошлари ўз сафига қўймай қўйишган суҳбат давомида курс давоматини кўрдим. Во ажаб, Маҳлиё тўйимиздан сўнг атиги икки ойча ўқишга борган.

Ушбу мактуб деярли таҳрирсиз чоп этилмоқда, илтимос ва Сизга ҳам ойдин бўлган сабабларга кўра унинг қаҳрамонларининг исми шарифлари ўзгартирилди, холос. Мактуб мақола Сизни албатта мушоҳадага ундайди, деб ўйлаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Бу фарз рўза ойидир. Ас-Салломийдан бошқаларнинг айтишича, рамазоннинг олтинчи кунинда Хусайн ибн Али алайҳиссалом туғилди.

Еттинчида — ал-Маъмун кўк кийди.

Уннинчида — Ҳадича вафот этди.

Ун еттинчида — малъун Абдурахмон ибн Мулжим ал-Муродий — Худо уни лаянатласин — Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломни уриб, мяясини ёрди. Ун еттинчи кун тонгида Бадр воқеаси юз берди. Баъзилар: «Йўқ, ўн тўққизинчи кун юз берди», — дейди. Бу тўғри эмас, чунки у воқеанинг иккинчи хижрат йили душанба кунини рўй бергани ҳақида хабарлар кетма-кет улашиб келган.

Агар рамазон бошини ҳисоблаб кўрсак, унинг шанба кунини эканлини кўраемиз. Шунда қидриллаётган душанба ўн еттинчига тўғри келади.

Ун тўққизинчида — Макка фатҳ этилди. Расулulloҳ — Худо унга раҳмат ва саломини юборсин — Ҳаж маросимини ўтамади, чунки арабларнинг ойлари насий сабабли [ўз ўрнидан] жилиб кетган эди. У оилар ўз ўрнига қайтгунча кутиб турди. Кейин видолашиш ҳажини адо этиб, насий [қўшиш]ни ман қилди. Ингирма биринчи кун — Амир ал-мўминин Али ибн

Абу Толиб алайҳиссалом вафот этди. Али ар-Ризо ибн Мусо ал-Қозим ибн Жаъфар ас-Содиқ ибн Муҳаммад ал-Боқир ибн Али ас-Сажжод Зайнулобидин ибн ал-Хусайн «шоҳидлар сайида» ибн амир ал-мўминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломнинг вафоти ҳам шу кунга тўғри келади. Баъзиларнинг айтишича, [Али ар-Ризо] зулкаъда [ойининг] ингирма учда вафот этган.

Ас-Салломий: «Амир ал-мўминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом йигирма иккинчида туғилди», — деган.

Ингирма бешинчида — Абу Муслим Абдурахмон ибн Муслим ошкор равишда аббосийлар давлатига давват этди.

Ингирма олтинчида — Ал-Бурқий Басра шаҳрига бостириб кирди. Айтишларича, бу киши Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо ибн Зайд ибн Али ибн ал-Хусайн ибн Али Абу Толибдир. [Баъзилар] уни Али ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абдулкайс деган. Ҳикоя қилинишича, Табаристон ҳукмдори

ал-Ҳасан ибн Зайд [ал-Бурқий] Басрада турган пайтда унинг қандай ҳуқуққа эга эканлини билиш учун мактуб юбориб, насабини сўраган. У: «Сенинг ишингга ғамхўрлик қилган кимса менинг ишимга ҳам ғамхўрлик қилсин, васалом!» — деб жавоб берган. Бу жавоб шундай қисқа ва сокин бўлиб, Хуросон ҳукмдори Нух ибн Мансур Сижистон ҳукмдори Валий ад-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмадга уни қўрқитиб ва турли таҳдидлар билан мактуб юборганида унинг ёзган жавобига жуда ўхшашдир. Валий ад-Давла [ўз иборати орасига Қуръон оятини киргизиб] шундай жавоб берган: «Эй Нух, биз билан тортишдинг ва тортишқини узайтирдинг, гапинг рост бўлса, бизга бераётган [қўрқинчли] ваъдаларингни келтир!»

Ингирма еттинчи кечаси «Қадр кечаси»дир. Унинг ҳақида Худойи таоло: «Қадр кечаси мннг ойдан ҳам яхшироқдир», — деган. Авом халқ шунга келишганлар, чунки «Қадр кечаси» қайси кеча экани аниқ маълум эмас.

[Баъзилар]: «Уни ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кечалардан қидиринг», чунки бу иккичи орасида Бадр воқеаси ва Маккаи фатҳ этиш юз бериб, ёрдам учун фаришталар [жаннатдан] тушириб юборилган», — дейди. Бу тўғри бўлиши мумкин, чунки Худойи таоло: «Шу [кеча] раббиларинг изми билан фаришталар ва руҳ тушади, ҳамма ишларда тинчлик бўлади», — деган.

Айтилишича, рамазон ойининг биринчи кунини Иброҳим пайғамбарга бир неча саҳифа туширилган. Олтинчида — Мусога Таврот туширилган. Ун иккинчида — Довудга Забур туширилган. Ун саккинчида — Исога Инжил туширилган.

Ингирма тўртинчида — Муҳаммадга — унга ва ҳамма пайғамбарларга салом — фуруқон туширилган.

Қуръон эса — Аллоҳ таоло: «Рамазон ойи шундайки, унда Қуръон туширилди», — деган. Демак, унинг рамазонда туширилгани аниқ маълумдир. Кейин бир гуруҳ Худонинг: «Бандамизга фуруқон кунини — икки тўда учраш-

ган кунини нозил қилган нарсамиз», — деган сўзи билан Қуръоннинг ўн еттинчи кунини туширилганини исбот этган, чунки икки тўда Бадрда ўша кунини учрашишган. Яна Худо билади.

Тавротга келганда, унинг Сиванининг ўн олтинчи кунини туширилганини юқорида айтдик. Бу «ансара» ҳайитидир.

Агар у вақтда рамазон шу ойга тўғри келганда, иш айтилганидек бўлар эди, [лекин] Таврот туширилган йилнинг яширинлиги сабабли, уни билишга йўл йўқ. У йил маълум бўлганда эди, албатта ҳисоблаб кўрар эдик.

Инжил [туширилган кун] тўғрисидаги гап унинг кайфиятини тузилишини ва вазиятини билмаган кишининг сўзидир. Бошқа китобларнинг нозил бўлган вақти эса тубдан номаълум ва уни билиш мумкин эмас. Худо энг яхши билгувчидир.

«Осорул-боқия»дан



НИГОҲ

Даврон АҲМАД сурати

Худойи таоло айтади: «Ас-саму ли ва ана ажзи биҳи», яъни рўза мен учундир ва унинг ажрини рўза тутувчиларга бергайман». Бас, эй бандаи мўмин, рўзанинг ажрини сизларга берар экан, бу савобни ҳеч киши битиб адо қилолмас, унинг ҳисобини фақат Аллоҳнинг ўзи билади.

Осмонда яна бир фаришта бўлиб, осмон юлдузларининг сонича кўзи бор. Худойи таолодан унга: «Рўзадорларнинг

Жаброил, қадаҳда қолган шаробни рўзадорларнинг оёғига қуй, Муҳаммад алайҳиссаломдан қолгани рўзадорларнинг рўзаси учун бўлсин. Ҳар бир мўмин банда шароб ат-тахурдан ичса, унинг дўзах ўти билан иши бўлмас».

Яна: моҳи рамазон келса ризвонга «Дўзах эшикларини то ўттиз кунгача ёп» деган фармон бўлади. Жаннатга эса: «Эшикларингни оч» деган фармон етади. «Рамазон

САЙФ УЗ-ЗАФАР НАВБАҲОРИЙ

Ҳазрати амир ал-мўминин Али ҳазрати пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин ҳайит намозидан қайтиб келар эдилар. Йўлда беҳуш бўлиб йиқилдилар. Бу хабар маликаи рўзи маҳшар ҳазрати Фотима Заҳрога етди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Е Фотима, мен ўлгач, Али хушдан кетса,

РАМАЗОН ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

савобини ҳисобла», деган фармон бўлади. У нафақат рўза кунларининг, балки бир кундаги савобини ҳисоблай олмас. Ожиз бўлиб дейди: «Илоҳо, рўзадорларнинг ажрини ва савобини фақат ўзинг ҳисоблайсан».

Яна: «Жаннатдан шароб ат-тахур келтир» деган фармон бўлади. Жаброил алайҳиссалом бир қадаҳда шароб ат-тахур келтиради. «Муҳаммад расулulloҳнинг равзасига олиб бориб, рамазон келди, умматлари билан ҳамкорлик қилсин» деган фармон бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: «Умматларимсиз шароб ат-тахурни қандай ичаман?» Фармон бўлади: «Ичавер, қолганини мен умматларингга насиб этгайман».

Ҳазрати Расул алайҳиссалом ичгайлар ва Жаброил алайҳиссаломнинг қўлига бериб, айтадилар: «Эй биродарим Жаброил, умматларимсиз шароб менга ҳаромдир». Фармон бўлади: «Эй

ойи келди», деган нидо етгач, саккиз жаннат эшикларини очиб бўлади.

Яна: «Эй Жаброил, гўрситон аҳлига нидо қилгилки, рамазон ойи келди, шоду хуррам бўлинглар», деб. Ҳеч бир гўрда азоб қолмагай, барча қабрларни мунавар қилдим»...

Бас, ҳар бир мўмин бўйини ҳақини ўз жойига қўйиши керак. Рўзани кўз, тил, қулоқ, оёқ ва қўл билан туттиш керак. Кўзнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий нарсаларга боқмайди. Қулоқнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий сўзларни эшитмайди. Тилнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий нарсаларни сўзламайди.

Билгил, эй мўмин, Ҳақ таоло қандай талаб қўйибди, биз бечораларнинг рўзалари қабул бўлмайми ё йўқ. Уттиз кунини рўзадорга фақат очлик ва жонни қийнашдан ўзга фойда йўқ.

менинг салламни унинг бошига қўйинглр, ҳушига келди», деб айтган эдилар. Фотима ҳазрати Алининг олдида етиб келди ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг саллаварини ҳазрати Алининг бошига қўйди. Али ҳушига келди. Саҳобалар:

— Эй шери Худо, нега хушдан кетдингиз? — деб сўрадилар.

Ҳазрати Али: — Ҳайит намозидан қайтаётсам, хаёлимга: «Эй Али, ўттиз кун рўза тутдинг, тутган рўзаларинг қабул бўлди — йўқми, билсанми?» деган фикр келди. Бунинг ҳайбатидан хушдан кетдим, — деди.

Демак, поку ҳалол одамлар ҳавфу рижо ўртасида ғамда эканлар, биз бечоралар ҳоли қандай бўларкан!..

«Дурул-мажолис» китобидан

ШОШИЛИНГ, ОМАД СИЗНИ КУТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «НАВРЎЗ» ВА «МАХАЛЛА» БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫЕ ФОНДЫ «НАВРЎЗ» И «МАХАЛЛА» РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАЛАРИ

1993—1994 ЙИЛААРДА УН МАРТА УЙНАЛАДИГАН ПУЛ-ЮТУҚЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ХАЙРИЯ ДОТЕРЕЯСИ

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНАЯ ДЕНЕЖНО-ВЫИГРЫШНАЯ ТЕЛЕВИЗИОННАЯ ДОТЕРЕЯ ДЕСЯТИРАЗОВОГО ТИРАЖА В 1993—1994 ГОДАХ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1993—1994 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ҲАР ОЙНИНГ 15-КУНИДА УТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖ ВЫИГРЫШЕЙ СОСТОИТСЯ В 1993—1994 ГОДАХ ЕЖЕМЕСЯЧНО 15 ЧИСЛА

"ОЙНИНГ УН БЕШИ КОРОНГИ БЎЛСА, УН БЕШИ ЕРУФ. ДЕЙДИЛАР." ХАЛҚ МАҚОЛИ.

РАЗРЯД 00

ЧИПТА № БИЛЕТ № СЕРИЯ №

ЧИПАНИНГ БАҲОСИ 200 СЎМ (РУБЛЬ ҚИМАТИГА ТЕНГ) • СТОИМОСТЬ БИЛЕТА 200 РУБЛЕЙ

Дераза

«ВОЛВО»НИНГ РАҚИБИ

Литвада «Жигули» машиналарининг нархи кескин кўтарилди. Каунас бозорида 1980 йилда 1,5 минг доллар сўрашяпти, уша йилги «Фолксваген»нинг баҳоси ҳам шунча. Беш йил аввалги «Жигули»нинг нархи саккиз йил аввалги, «Волво» билан тенг. «Жигули»ларга талабнинг ошиши маҳаллий тужжорларнинг машинани Литвада эмас, бошқа юртларда сотишни афзал кўраётганликлари билан изоҳланмоқда.


УЗГА САЙЁРАЛИК ХОНИМ

Олмонияда Шейли Гипсон деган хонимнинг «Мен Зухродан келганман» дея номланган китоби нашрга тайёрланмоқда. Америкада бу китоб 200 минг нусхада чиққан ва икки ҳафта ичида сотилиб бўлганди.

Шейли Гипсоннинг таъкидлашича, у 40 йил аввал ерга Зухродан космик кемада ташриф буюрган. Узга сайёралик хоним Ҳимолай тоғига қўнган, у ерда роҳиблар ерликларча яшагга ва инглиз тилига ўргатишган. Шундан сўнг хоним Америкага жўнатилган ва Гипсонлар оиласига уларнинг автомобиль ҳалокатидан ўлган қизлари ўрнига алмаштирилган. Узини ҳозир 250 ёшда деб ҳисоблаётган Гипсон ерга сайёралар Ҳамдўстлигининг махсус топшириғи билан, яъни одамларга Қуёш тизимидаги барча мавжудодлар ягона оиладан иборат эканлигини тасдиқлаш учун юборилган эмиш.

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ!

Шахмат «қирол»лигига даввогарлар энди биратўла икки «қирол» — Карпов ва Каспаров билан курашишларига тўғри келади. Мутахассислар фикрича, бу вазифани ўрсиялик 18 яшар гроссмейстер Владимир Крамник удралай олар экан. Бу тахминга сабаб, нафақат ёш гроссмейстернинг уйин кучи, балки тасодифлар ҳам: Крамник худди Карпов ва Каспаров сингари куён йилида туғилган, устига-устак фамилияси ҳам «К» дан бошланади.



МАКТАБДА

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

Табриклаймиз!

табриклар жаммиз, мингларга кирингу ҳали ёш бўлинг, бугунгидай сўзал ва қаламқош бўлинг десимиз келадди. Сизга ҳубабст тилаб ГҮЛНОЗА ва АБДУВАЛИ.

шингиз ИБРОМОВ ЭРКИН ва фарзандларингиз КАМОЛА, ҲИЛОЛА, ЗИЛОЛА, ИБРОҲИМ, БАҲОДИР.

АНВАРБЕК АБДУСАЛОМ ўғли!
Туғилган кунингиз — 19 ёшингиз муборак! Мудом Тақдир неъматларини хуш кўриб яшанг. Ниятларингизга бекаму кўст эришишингизга тилакдошимиз. Ҳурмат билан дўстингиз САИДМУРОД, укангиз УЛУҒМУРОД.

29 ЕШДА

Бу сўзларни минг истиҳола билан ёзаялман, аммо дилмига биргина ишонча далда бераяпти. Ҳақиқатан ҳам кўриб-билиб турмуш қурганиннг нимаси ёмон. Келаётган совчиларни кўпчилиги зёли оилаларининг фарзандлари. Узим ҳақимда: кўнгилчан қувноқман. Тошкент вилоятиданман, 28-35 ёш атрофида бўлган самимий, оғир-вазмин, ширинсўз инсонга турмушга чиқиш ягона орзу-армоним. «Оила-28б» Мақтубларингизни сурати билан кутаман.

Изоҳ

Табрик эълонининг ҳар бир белгиси [ҳарфи] 10 сўм. Битта расм [6/9 см, ҳажмида бўлиши шарт] 2000 сўм. Табриклар бир ой мuddат ичида чиқарилади. 10 кунлик мuddат билан берилса, 2 баравар ҳақ олинади. Таннишув эълонининг баҳоси 1000 сўм.

АЗИЗ
ОНАЖОНИМ
МАХБУБА!



Туғилган кунингиз кутлуг бўлсин!
Ҳаётда неки орзу қилган бўлсангиз — барчаси амалга ошин. Юзга киринг, неvara, эvara, чеvara кўринг, биз доимо хизматингизда бўлайлик. Фарзандларингиз номидан Тошкент Молия институти III курс толиби ўғлинигиз СУННАТУЛЛО.
Урғут тумани.

ЗУЛФУЗАРХОН!
Таваллуд кунингиз билан

Ўғлим, суянчигим ва мададкорим ҚОБИЛЖОН! Сени кутлуг 18 ёшинг билан чин юракдан табриклайман, доимо соғ ва саломат бўлсин, доим бахт сеига ёр бўлсин. Топганинг савоб, олганинг олтин бўлишини истаймэн. Боласинам илоё 80—100 ёшингда табриклаш насибасидан айирмасин мен.

Онажонинг МУҲАРРАМ Тошкент шаҳри.

Мухтарам рафиқам РИҲСИХОН! Биз сизни 49 баҳорингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Оллоҳдан сизга сизган-саломатлик, узоқ умр сўраймиз. Ҳамиша гўлдай очилиб юринг деб тирмушдо-

Қизимиз
ШАҲНОЗАХОН!

30 январ таваллуд кунингиз кутлуг бўлсин?
Оллоҳ танингизни саҳат, тўла текис бахт, насибангизни бутун, умрингизни узоқ қилсин. Юзингиздан доим нур сочилиб турсин. Тангридан жамики ният қилган орзуларимиз ижобат бўлишини сўраб.

ҲАКИМОВлар оиласи.
Наманган тумани.

Чирокчи тумани.
«Оқчова» ижара хўжалиги

Оила

28 ЕШДА

Жиззахлик, одобли, келишган, оилани ҳар нарсадан афзал кўрадиган, турмушга чиқмаган истарилигина қиз, 28-35 атрофида бўлган садоқатли, [қайси вилоятдан бўлса ҳам майли] уйим-жойим дейдиган йигитнинг бир умрлик йўлдоши бўлишини орзу қилади. «Оила-28б» хатларингизни кутади.

«Оила ва жамият» 4(127)

70—80-йиллар давомида ўзбек шоирлари Зайнабга бағишлаб кўплаб шеърлар битдилар. Уларнинг деярли барчасида бу «қотил» аёлни тушуниб қалам сурилган, бу бахти қора аёлга ҳамдардлик изҳор этилган. Зайнаб образи талқинида ёзувчининг чиндан ҳам инсон руҳияти билимдонини, инсон қалбини, дардини тушуниш, ҳис этиш бобида тенгсиз санъаткор эканига яна бир қарра тан берамиз.

Дарҳақиқат, Зайнаб ҳам ёзувчи, ҳам китобхон учун энг суоқли шахс — Кумушнинг қотили. Ўзбек олим-кубили-билмай, оқибатини ўйламай гуноҳ иш қилиб қўйган. Зайнаб эса билиб туриб Кумушга заҳар беради. Гуноҳдор одам ҳақида, қотил ҳақида тушуниб, ҳамдардлик билан қалам тебратиш ўзбек адабиётида биринчи ҳодиса. Фарб реалистик адабиётида, чунинчи Толстой, Достоевский ижодида бу аъёна бор эди. Ўзбек адабиётида Қодирий миллий заминда туриб бу борада биринчи қадамни қўйди. Ёзувчи Отабек билан Зайнабнинг никоҳдан кейинги муносабатлари тасвирланди, ихтиёрсиз, зўрма-зўраки никоҳ, жавобсиз муҳаббат қурбони бўлган бу аёлга нисбатан ачиниш уйғотади. Зайнаб келинлик удумига кўра одоб билан ўрнидан туриб Отабекка чой узатганда куёвидан илтифот ўрнига дакики эшитиши келинчақ учун нақадар ҳақорат эканини биламиз. Бунинг устига куёвининг ёш келин ёнига ойлаб йўламай ўзини олиб қочиб юриши аёл учун хўрлик эканини билиб Зайнаб ҳолига ачинамиз. Айни пайтда Отабекнинг ҳолини ҳам англаб турамиз. Бошда Зайнаб буларни ўзига қаттиқ олмайди. Муштипар, муте аёл бундай хўрликларга чидайдди. Аммо хўрликлардан бора-бора унинг ҳам кўзи очила боради. Кечикиб бўлса-да, совуқ муносабатларнинг туб сабабига тушуниб, аламлидан иложсиз ўртанади. Отабекка «Сиз уйла-нишдаёқ уни севиб олгансиз, мени бўлса, мен ота-онангизнинг орзуларича!» дея кўзига жиқ ёш олади. Бу гаплар, бу кўз ёшлар фақат китобхонни эмас, Зайнабга нисбатан «жонсиз ҳайкал» Отабек кўнглини ҳам тўғёнга солади. Ёзувчи Отабекнинг шу топдаги ҳолати ҳақида тўхталиб «Отабек оғир ҳолга тушди, бу тўғри сўз уни тамом эсанкиратди ва бу ҳақиқатга қарши бориш, яъни ёлғонлаш яна оғир эди» дейди.

Энди Отабек билан Зайнаб ошқора гапга кўчадилар. Зайнаб ўзига нисбатан совуқ муносабатлардан шикоятлар қилади, Отабек ўзини оқлашга тиришиб баҳоналар ахтаради, «мезожи заиф» эканини писанда қилади, Зайнаб бу омонат баҳонага ишонгиси йўқ. Энди у дилда бор ҳасратини, дардини тўкиб солади. Уша топда изҳор этилган қалб сўзларида, ҳатти ҳаракатларда бу аёлнинг бутун бир асарга арзигулик ҳасрат, армон, фионлари, фожияси ўз ифодасини топган. Мана, ўша лавҳа, ўша кўнглил фионлари:

«Зайнаб ишонар-ишонмас унга қаради.

— Тўғри сўзламадингиз...

— Ишонмасангиз ўзингиз билинг, лекин ҳақиқат гап шу, сиздан узоқда юришимнинг сабаби ҳам шунда.

— Ишонганимда ҳам бу ҳол ташқарида ётиб юришингиз учун катта сабаб бўлолмайдир. Чунки мен фақат шунинг учун сиздан ўпкаламайман,— деди ва кўзини тўлдириб Отабекка қаради.— Менга сизнинг мезожингиз керак эмас... Ўзингиз!..— деди ва йиғлаб ёлборган ҳолда Отабекнинг кучоғига ўзини ташлади... Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди. Бечора Зайнаб — жонсиз ҳайкални ўйиб қучоқлар ва ёлборар эди».

Жавобсиз севги аламида қоврилган, аёллик шаъни тақдирланган қалбнинг бундай фарёдини эшитиб, бу шўрлик келиннинг кўзини тўлдириб Отабекка қараб туришини, йиғлаб-ёлвориб севмаган одам кучоғига ўзини ташлашни, «жонсиз ҳайкал»ни ўйиб, қучоқлаши ва ёлворилини кўзатиб туриб китобхон ўзини қўярга жой тополмай қолади. Реалист ёзувчининг санъаткорлиги, инсон руҳиятининг ихтирочилиги экани мана шундай тигиз, иложсиз вазиятлар, руҳий хо-

латларнинг шу тарздаги беқиёс тиник, таъсиран ифодасини айниқса ёрқин намоян бўлади.

Реалист ёзувчи инсонни тушунишга ҳаракат қилар экан, инсон шахси, табиатидаги ўзига хослик, тўғма табиий ботиний хусусиятларни таъкидлаш баробарида, ундаги ижобий ёки салбий хусусиятларнинг юзага чиқишида, ҳаракатга келишида ташқи омилларнинг — муҳит, шароитнинг таъсирини ҳам кенг тадқиқ ва таҳлил этади. Боя кўриб ўтганимиздек, ташқи муҳит таъсирида Ўзбек олимдек ўжар аёл ҳам ўзгаради; кундошлик ҳақида бўш-баёв, муте Зайнаб секин-аста «ҳақиқни таниб қасоскорга айлана боради, Кумушдек беозор, фаришта аёлда ҳам «бир қизғончилик» ҳисси уйғонади, Зайнабга рашк қилади, Отабекка терс гаплар айтади; қатъиятли Отабек эса ҳам Кумуш, ҳам Зайнаб кўнглини оламан деб кўнгли райига зид иш тутаяди, муросасозлик йўлига тушади... Романда фалати бир диалектик жараёни кузатамиз; но-боб вазият ноқоғил одамларнинг номақбул хатти-ҳаракатлари туфайли вужудга келади, но-боб вазият ёмон

кундошига кесатиқ билан ҳужум бошлади, сўнг устига сапчиди, кундошининг сочини юлиб бўйиб уриш одатини чиқаради. Ниҳоят, кундоши бу таҳқир тақибларга чидалмай эридан талоқ сўрайди, эри Нусратбек ноилож унга жавбини беришга мажбур бўлади. Хушрўй дағдағаси туфайли жабрдида хотин икки боласини ҳам ўзи билан олиб кетади. Шу тариқа Хушрўй уч ой ичида томир ёйиб қолган бир оилани илдири билан юлиб ташлаб тинчиди.

Хушрўйга дуч келган эрнинг аҳволи маълум: Нусратбек кўчага чиққанида беклик даъвосини қилиб, уйга кирганида Хушрўйбекка муте. Хушрўй оилада ҳамма нарсага эришса-да, бир қалитс масалада тили қисқ — турмуш қурганига етти-саккиз йил бўлса ҳам фарзанд кўргани йўқ. Аммо бу масалада ҳам у мушкулотнинг чорасини топиб қўйган. Нусратбек бир ҳал сўз очганида Хушрўй қатий қилиб: «Боласиз киши дунёда туролмайдиган бўлса, бир оз заҳарни бошлабсизга бераман, ундан кейин ўзим ейман!»— дейди. Шунда Нусратбек-

этибори билан, барибир, бу метод қолипга симамайди, у гўё ўша кезлари социалистик реализм адабиётида яратилган ва яратилажак фаол қаҳрамонларга кино-пародия каби туюлади; Хушрўйнинг фаоллигини муаллиф ҳар доим ҳам ҳушлагагани, бундай фаоллик, шаддотлик замирида қандайдир истеҳзо, пичинг ётганлигини пайқаш унчалик қийин эмас.

Хушрўй — Зайнаб сўхбати фақат икки зил табиатли опа-сингилларнинг дил розлари бўлиб қолмай, бу ҳаёт, оилавий турмуш, аёлнинг ҳаётдаги мавқеи ҳақидаги икки зил қарашнинг, бадий талқинидир. Бугина эмас, ёзувчи икки кўтнинг мусоҳабаси орқали икки хил қараш, фалсафанинг икки драмасини, зиддиятларини очди, муштипар Зайнаб кўзи билан шаддот Хушрўйнинг ўзи ҳазм қилолмайдиган фалсафасига баҳо беради, шаддот Хушрўй ниҳожи орқали эса «писмиқ» Зайнабнинг мутелик қарашлари тахлил этилади. Одатдагидек эгачи-сингил орасидаги баҳс жуда табиий бошланади. Нусратбекнинг бурнидан ип ўтказиб олган Хушрўй арзимас баҳона билан эридан енгилгина ши-

ИНСОННИ ТУШУНИШ САНЪАТИ

КОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ИЙЛИГИ ОЛДИДАН

Умарали НОРМАТОВ,
профессор

одамларни қутиртиради, умуман яхши, беозор одамлар таънидаги мудраб ётган шайтонни уйғотади. Шайтоний майллар эса гоҳо қутириб уни гуноҳ ишларга ундайди. Зайнаб мисолида биз бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Бўш-баёв Зайнаб жавобсиз севги аламлари гирдобиди Кумушга нисбатан ёвга айлана борган бўлса ҳам у ҳали қотиллик даражасига етмаган эди. Эҳтимол, эгачиси Хушрўй унинг кўзини очмаганида, ўзига ўзлигини англамаганида бир умр гиди-бидилар ичида Кумуш билан муроса қилиб ўтаверган бўлармиди. Демак, Зайнаб кўнглига гўлгил солган Хушрўй ҳам муайян даражада Кумуш ҳалокатига сабабчи. Бироқ ёзувчи бу аёлни ҳеч қандай ошқора қораламайди, аксинча ҳолис туриб унинг синглиси Зайнабдан кескин фарқ қиладиган сажия-характерини таърифлайди, ички ва ташқи қиёфасини чизади, энг муҳими, унинг ўзига хос ҳаёт, яшаш фалсафасини очади.

Биз ўзбек аёллари ўтмишда ёппасига забун, ожиз-нотавон, итоткор-муте, ҳақсиз-хуқуқсиз, «кичкари»нинг қули бўлган деб одатланганмиз. Қодирий «Ўтган кунлар»да, шунингдек, бошқа асарларида ўтмишдаги айни шундай аёллар образини яратиш билан баробар, шу қарашга зид, тамомила бошқа типдаги аёллар — ўз ҳақ-хуқуқини таниган, ўзлигини тўла намоян эта оладиган аёлларимиз образини ҳам берган. Йўқ, улар эртақ ва дostonлардаги эрлар билан баробар турадиган шижоатли, курашчи афсонавий романтик қаҳрамонлар эмас, реал миллий муҳит, шароит доирасида ўзлигини намоян қила оладиган ўта табиий, жонли инсонлардир. Романдаги эрига ўткир, мағрур Ўзбек олим каби шаддод Хушрўй образи ҳам адабиётимизда ноёб ҳодиса.

Худди Ўзбек олим образи талқинида булгани каби ёзувчи дастлаб Хушрўйнинг фавқуллод характери, тўғма ботиний хусусиятларини батафсил таъриф-тавсия этади. Хушрўй болалигиданоқ айтганини қилдирадиган бўлиб ўсган. Ота-онаси ҳам, танти акаси ҳам унинг райини олмай бирор иш қилолмайдилар. Унинг эрга тегиши ҳам ўзига ўхшаш фавқуллод бўлган; бошда келган совчиларни қувиб ҳайдашди, сўнг ота-она райига қараб эмас, ўз хоҳиши бўйича бўлгувси қувб билан олдиндан тил бириктириб эрга чиқади. У ҳам синглиси Зайнаб каби билиб туриб хотин устига эрга теккан. Аммо у Зайнаб каби «писмиқ» эмас, у чодирдан чиқмасданок



нинг дами ичига тушиб кетади ва бу ҳақда иккинчи гапирмайдиган бўлади.

Хуллас, Хушрўй ҳар жиҳатдан фаол, ўз ҳақ-хуқуқини, шаъни, бахти учун кураша оладиган, муҳитга фаол таъсир кўрсата биладиган курашчи қаҳрамон. Шунга қарамай, негандир, бир вақтлар Қодирий ижодидан, «Ўтган кунлар»дан социалистик реализм белгиларини кидирган адабиётшуносларнинг бирортаси ҳам (жумладан мен ҳам) бу «характерли факт»дан фойдаланмаганлар. Бунинг сабаби шундаки, гарчи Хушрўй фаолликда сиртдан қараганда социалистик реализм талабларига жавоб берса ҳам, у моҳият

қоят қилади. Тўлиб турган Зайнаб «почкамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг куним ни олса нима қилар эдингиз!» дея ҳасратини бошлайди. Гап гапга уланади. «Мен ҳам Зайнаб бўлсам, албатта солар эди... Менга қолса ҳар ким ўз нафсига яхшилик ёки ёмонлиқни ўзи ҳозирлайди!». «Шу тариқа Хушрўй ҳодисага фалсафий тус беради.

Таомилларга зид инкорона бу гаплардан Зайнаб чўчиб кетади. «Товба, денг, опа!» дея илтижо қилади. Хуш-

[ДАВОМИ 7-БЕТДА].

[БОШИ 6-БЕТДА].

рўй эса яна ҳам кескинроқ оҳангда дейди: «Мен шу чоққача... бандасига бош эгшин ва бандаси тавба қилишни ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...» Зайнаб фожиасининг туб сабабини у шундай тушунади: «Сенинг тинчлигингни ҳеч ким қуритган эмас, Зайнаб! Ҳамма жабрни ўзинг ўзингга қияласан!» Соддадил Зайнабнинг «дунёда ким ўзига жабрни хоҳлайдир?» деган саволига Хушрўй лўнда қилиб: «Сен ва сенга ўхшаганлар!» дея жавоб қилади. Сўнг Хушрўй Зайнаб қисмати шарҳга ўтади. Хушрўй ўз эҳсари билан соддадил Зайнаб аёти, бор бисотини баҳисоли тиниқ ойнага солиб ўзига кўрсатади. Мана ўша шарҳ;

«...Сенинг эр қилишда тарихқа ихтиёринг ва ризиолинг йўқ эди. Эҳтимол ихтиёр нима, орзу нима ўзинг ҳам пайқамас эдинг. Балки ихтиёр ва орзуларинг ҳам бўлгандир, бироқ уни ҳеч ким майдонда кўрма эди. Шунинг учун тизгининг ойинг билан деданнинг кўлида, бошқача айтганда, уларнинг туяга ортган юки, кимга сотса, қаерга жўнатса ихтёрсиз эдинг... Едингда борми, никоҳ куним мен қулиб, қаққақлаб аравага миндим,

сен бўлсанг уйдан йиглаб чиқдинг ва эрингникига йиглаб бординг... Яхши, эринг сенга ёқди, аммо эринг фақат сенга ёққани билан иш битмаслигини яна хотирингга келтирмадинг. Эринг сени ташлаб қўйди, сен чурқ эмадинг, истиқболнинг тўғрисида ўйламадинг... Фақат ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафга ташлай бошладинг... Лекин энди минг товлансанг ҳам натижа ўзингнинг феълингча битта: сенинг учун ҳар кун бир ўлим...»

Рад этиш мумкин бўлмаган бу ҳақиқатлар қаршисида Зайнаб кўз ёши тўкишдан бошқасига ярамайди. Хушрўй эса бундан ранжийди. Йиги билан иш битмаслигини, ўзи йиғлашни билмаслигини, кишилар иложсизликдан йиғлаганда кулгиси қисташини айтади. «Сенинг ўринида бўлсам, биласанми, нима қилар эдим, Зайнаб... дунёсини ост-уст қилар эдим, бир томчи ёшимни юз томчи заҳар билан қўшиб ташлар эдим!» — ана унинг иродаси, ҳаёт фалсафаси! Демак, Хушрўй хоҳиш-иродаси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Шу гапларни айтаётганда ёзувчи Хушрўйнинг юзида «золимона бир истехзо» пайдо бўлганлигини, буни Зайнаб ҳам пайқанлигини эслатиб ўтади.

Гап гоят нозик муаммо — яқин одамларнинг билиб-билмай яқин кишига жабр қилаётгани хусусига кўчганда Хушрўй фалсафасининг асл моҳияти, ички зади янада равшан кўринади. «Душман ўзи нима деган сўз? — деди. — Мен сенга боя ҳам айтдим: кишининг дунёда дўсти йўқ, магар нафсига ўзи дўст; кишининг дунёда душмани йўқ, магар нафсига ўзи душман! Масалан сен ўзинг отангга, онангга дўстим, деб ишондинг, аммо улардан нима яхшилик кўрддинг? Букун уларнинг «сабр қил, болам» деб берган кенгашлари сенинг ярангга малҳам бўларми? Албатта бўлмас. Бошдаёқ эринг сенга қарамай қўйди, аммо сен қайнонанинг ваъдасига ва тағин алланарсаларига ишондинг... Узинг ўйла, болани она туғадир, лекин унга муҳаббарни ҳам она туғиб берадими? Албатта бу мумкин эмас. Сен бечора шунга ҳам ишондинг. Энди гап нима? Отанг сенга сабр едирадир, қайнонаниг кундошинг дуосида... сен бўлсанг йиги кучоғида...»

Қисқаси, бошда инсоннинг ўзлигини англашга, ўз бахти, шаъни учун курашга чорлаш бўлиб туюлган қараш Замирида бора-бора қандайдир худбинлик майли ҳам борлиги маълум бў-

лади. Хушрўй тажрибаси, фалсафаси, маслаҳатидан келиб чиқадиган сабоқ шуки, ҳаёт шафқатсизлигига фақат шафқатсиз бўлган одамгина бу дунёда яшай олади; инсонга ҳеч ким, ҳатто яқин кишилари, ота-оналари ҳам дўст эмас, шундай экан инсон фақат ўзини, ўз тирикчилиги, ўз бахтини ўйлаши даркор. Хушрўй ўз шахсий бахти йўлида дунёни ост-уст қилишга ҳам тайёр; ахир у ўзгалар бахти ҳисобига бахтга эришади, томир ёйган бир оилани илдири билан юлиб ташлаб унинг вайронаси устида макон куради, муштиллар кундошинг кўз ёшлари, норасида гўдакларнинг чирқиллаши уни мутлақо қийнамайди. Шу хил вайрона устида тикланган оилани ҳақиқий оила, шафқатсизликлар эвазига топилган бахтни чинаккам бахт деб бўладими!?

Қодирий реализмнинг кучи ана шунда — ҳаётни, одамлар турмуши, тақдири, табиати, улар амал қиладиган ақида-фалсафани бор ҳолича бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан ҳолисона кўрсата олганлигида, инсонни, унинг дилини, майлларини, хоҳиш-иродасини теран тушуниб, юракдан ҳис этиб қалам тебратганида, инсонни тушунишни санъат даражасига кўтара олганида.

Спорт оламида

АЗАМАТ АБДУРАЙМОВГА ИШОНАМИЗМИ?



Ўзбекистонлик миллионлаб футбол шикибозлари Абдураимовлар сулоласини жуда яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Бундан бир неча йиллар олдин Азамат Абдураимов ота командаси «Пахтакор» га қабул қилинганди. Бироқ, ўша даврлардаги лоқайдлик туфайли командага мосқаллик Фёдор Новиковнинг бош мураббий қилиб сайланиши билан у «Пахтакор»дан арзимаган баҳона сабаб, ҳайдалганди. Кейинчалик Азамат Москванинг «Спартак», Душанбенинг «Помир», Бангладешнинг «Муҳаммадин», Наманганнинг «Навбаҳор» ҳамда Тошкентнинг МХСК командаларида сайёҳ юриб, кун ўтказди. Бу орада уни «Пахтакор»дан қувғин қилган Фёдор Новиков эса ҳеч кимга билдирмай Москвага қочиб қолди.

Футбол шикибозлари Азаматнинг у командадан бу командага кўча-кўч қилиб, тўп тегишини тушуномай, ҳайрон бўлиб юришганди. Мана ниҳоят, кўпчилик-

нинг орзуси амалга ошадиган кўринади.

1993 йилнинг охирида «Пахтакор»га бош мураббий қилиб сайланган Рустам Акрамов ҳеч иккиланмасдан Азамат Абдураимовни командага таклиф этди. Ҳозирча томонлар ўзаро келишув ишларини олиб бормоқда. Утган йилнинг охирида Азаматга Исроилнинг «Маккаби» клубидан таклиф тушганди. Шу йилнинг бошида эса унга Малайзияликлар кўнгул қўйди. Ҳозирча Азамат чет элга чиқишга унчалик ошиқайтгани йўқ. Эҳтимол, шу йилнинг баҳорида бошланган навбатдаги учинчи чемпионатимизда У ота командаси бўлмиш «Пахтакор» сафида ажойиб ўйинлар кўрсатар.

Рустам Акрамов командага бош мураббий бўлиб келиши билан анча ижобий ўзгаришлар қилди. Шу жумладан, ўйинчилар рўйхатида ҳам. Команданинг ўтган мавсумдаги сардори Фарҳод Магомедов шунингдек, Дмитрий Ивангородский, Ҳикмат Эрга-

шев, Руслан Аҳмедхоновлар 1994 йилдан бошлаб бошқа клублардан ўзига жой излайдиган кўринади. Эҳтимол улар хоризмга равона бўлишар. Энг сўнгги янгиликлардан яна бир муҳими шуки, мураббий ўзи руҳсат берган айрим футболчилар ўрнига бир йўла 6 та ёш ва чаққонроқ ўйинчиларни таклиф қилди.

Узингизга маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги барча командалар навбатдаги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди. Шу жумладан Наманганнинг «Навбаҳор» ҳам. Ушбу команда сафида қисқа вақт ичида бир талай ўзгаришлар юз берди. Бош мураббий қилиб Душанбенинг «Помир» клуби устози Шариф Назаров сайланди. Энди айрим футболчилар ҳам ўз ўрнини алмаштириши туганган гап. Шариф Назаров «Помир»дан бир йўла беш кишини, «Навбаҳор» сафида қирғишга ҳаракат қилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ

МДҲ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ

Шу йилнинг 28 январидан 5 февралгача Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Болтиқ бўйи мамлакатларининг футбол бўйича 1993 йилги чемпионлари ўртасида иккинчи халқаро мусобақа ўтказилади. Ушбу мусобақада Ўзбекистондан чемпион — «Нефтчи» [Фарғона] командаси қатнашади. Командалар қуйидагича гуруҳларга бўлинган.

I ГУРУҲ

«Спартак» [Москва], «Зимбрул» [Кишинёв], «Ансат» [Козовистон], «Норма» Таллин [Эстония].

II ГУРУҲ

«Копет-Дог» [Ашгбот], «Арат» [Ереван], «Сконта» Рига [Латвия] «Динамо» [Москва].

III ГУРУҲ

«Динамо» [Тбилиси], «Ситора» [Душанбе], «Қорабоғ» [Озарбайжон] РОМАР [Литва].

IV ГУРУҲ

«Нефтчи» [Фарғона], «Динамо» [Минск], «Олга»-РИФ [Бишкек], Россия ёшлар терма командаси.

Эслатиб ўтамиз, бу гал ғолибга олтин медал тақдим этилади. Фарғоналиклар дастлаб 29 январда «Олга»-РИФ билан ўйнайди. 30 январда «Динамо», 31 январда эса Россия ёшлар терма командасига қарши майдонга тушади.

2 февралда ярим финал, 4 феврал кuni эса охириги — финал учрашуви ўтказилади.

Ушбу мусобақада ҳамюртларимиз — «Нефтчи» командасига омад тилаймиз.





Собир Умаров ТошДУ математика-физика кафедраси доценти, ёш олим, математика ва физика фанлари доктори. Икки йўлинг отаси, аёли Нодирахон иқтисодчи. Тошкентда яшашди. 1958 йил Бўстонликда туғилган. Классик мусиқани, спортни севади.

мендан маслаҳат оларди. Менимча, аввало инсонда тузма қизиқиш, истеъдод, кейин шу истеъдодни юзага келтирадиган муҳит керак.

— Ҳамма замонда фан кишилари энг бардошли инсонлар ҳисобланишган...

Афсус одам зоти моҳиятан бирор даражада ожизликка, ёрдамга мойил мавжудот. Бу ожизликдан фан кишилари ҳам ҳоли эмас...

Зиёли учун илмий тафаккурни доимий ўстириб бориш суви билан ҳаводек зарур. Демак у доимо ахборотга ташна, ахборотни китобдан олиш мумкин. Зарур китоблар эса қиммат ёки йўқ... Лекин кутубхоналар бор-ку.

— Баайни фанингиз ривож ҳам фаровон турмушга, етук келажакка бориб та-

— Шарқ нафақат ахлоқий фалсафа, балки қатор аниқ фанлар бешиги сифатида ҳам тан олинган. Фанингиз тарихига оид қанақа қўшимча маълумотлар айта olasiz!

— Марказий Осиёда математика Урта асрларда гуллаб-яшнаган. Бу соҳада тасаввуримиздагидан бир неча барабар кўп меросга эгамиз. Афсус у ҳалигача деярли ўзлаштирилмаган. Уша даврларда биз билмайдиган математиклар ижод қилишган. Математика тарихини ўрганадиган соҳа эндигина жиддий ишга киришди. Уйлайманки, бизга маълум ва номаълум бўлган янгиликлар очилиб, таҳрир ва тадқиқ қилинади. Фан тарихи бўйича ҳам қўшимча маълумотлар оламиз, у ҳақидаги билимларимизни бойитамиз.

— Ўзбек зиёлисини қандай тасаввур этасиз!

— Ҳақиқий зиёли миллий ва ирқий сифатлардан юқо-

тематика билан боғлайдигалари бор. Аслида ҳам йўқ бўлиши мумкин эмас, фанга эҳтиёж бор экан у йўқолиб кетмайди, ўзининг фидойиларини кашф қила боради.

— Математикага қизиқинишда оилангиз таъсири, математик сифатида оила аъзоларингизга таъсиригиз бўлганми!

— Отам математик бўлишимни хоҳлаганлар. Менинг таъсири туфайлими, ҳозир икки укам ва синглим амалий математика мутахассислари.

— Фарзандларингиз йўлингиздан боришларини истайсизми!

— Улар ҳали ёш. Агар қобилияти ва хоҳиши бўлса, албатта, истардим.

— 35 ёшда фан доктори бўлиш одатий ҳол деб қарайсизми, ёки...

— Аслида бу ёш кеч. Одатда буюк олимлар ўзларининг асосий кашфиётла-

ОЛДИНДА ЭРТА ҲАМ БОР

— Собир ака, математика — аниқ билимлар мажмуаси. У қобилият билан бирга тинимсиз меҳнат ва изланишни талаб қилади. Бироқ бу фанга қизиқувчилар, унинг фидойилари талайгина. Математиканинг жозибаси нимада!

— Менимча математика ута огир фан эмас. У ҳам

ўзининг маълум қонун-қоидалари асосида қурилган.

Умуман, ҳар қанақа фан — бу кашфиёт яратиш, хусусан, математика ҳам. Кашф қилишга интилиш эса инсонга хос томонлардан бири.

Мақтаниш эмасу, 8-синфдалигимдаёқ 10-синф вазифаларини уддалардим: икки ёш катта опам ҳам баъзан



қалмайдим! Айтайлик, сизнинг ҳозирча фанга қўшган улушингиз кейинчалик юз берадиган бирор ижобий ўзгаришга умид туғдира оладими!

— Аслида фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш лозим, фақат шундагина турмушда фаровонликка эришилади.

Ишонманки, фандаги бирор ютуқ тўғри таҳлил қилинор, қўлланилса, албатта, ижобий томонга силжиш бўлади. Уз ишим ҳақида ҳам шундай дейишим мумкин. Фақат унга эҳтиёж бўлиши керак, биринчи галда. Масалан, математикага биринчи бўлиб мунажжимлар эҳтиёж сездилар ва қўлладилар. Натижани биларсиз: Улуғбек жадвалидаги аниқликлар XVIII асрача ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмади. Бу жадвал жуда катта аниқлик билан тузилган, чунки уларда ўша кучли математик билим бўлган.

— Ҳозир Ўзбекистонда том маънода математиканинг ҳолати тўғрисида қандай ўйлайсиз!

— Бизда айни пайтда назарий потенциал юқори. Олий аттестация комиссияси ўртача интеллектуал потенциал тўзиб кетмаслиги учун ҳаракат қилмоқда.



ри туриши лозим. Бу унинг маданияти, чуқур билими ва инсонийлигида акс этади.

— Кишининг бирор соҳада муваффақиятга эришиши учун ўз қобилияти, билими ва меҳнати етарли деб ўйлайсизми!

— Фанинг фундаментал соҳасида маънавий ёрдамнинг аҳамияти катта. Лекин моддий ёрдам ҳам фойдадан ҳоли эмас.

— Шогирдларингиз, талабаларингиз хусусида фикрларингиз. Сиз уларда қандай келажакни кўрасиз!

— Ҳозир битта аспирантим бор. Уч тадқиқотчи шогирдларим иш олиб боришяпти. Яқиндагина математика бўйича бир неча мақолалар тайёрлашди. Уларга: келажак ва билимларига ишончим катта.

Талабаларимиз орасида ҳам кейинчалик умрини ма-

рини 25 ёшгача қилиб улгурганлар. Дейлик, А. Эйнштейн ёки 19 йил умр кўрганга қарамай математикада ўз назариясини яратиб кетган олим Э. Галуа.

Инсон 25-30 ёшигача яратган кашфиётлари атрофидаги ишлар билан қолган умрини ўтказади. Шу нуқтаи назардан ҳам мен анча кечикканман.

— Айни замондаги энг кучли истагингизни айта olasizми!

— Ёшларгина эмас, ҳатто айрим катталар ҳам бугунги кунни ўйлаб яшамоқдалар, ахир олдинда эрта ҳам бор. Қийинчиликлар вақтинчалик, маънавий қадриятларга интилиб яшаш керак. Акс ҳолда эртага кеч бўлиб қолиши мумкин.

Сухбатдош: Рустам ҚОБИЛОВ

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҲЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА,

Ҳалим САЙИИД [бош муҳаррир ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Ҳузумат САҲОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ,

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилиқ қилди

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-764. 33533 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.